



## ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ, ОЛИБ КИРИШ ЁКИ ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси  
доценти ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

**Холдарбоева Нодира Асқар қизи**

ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11315543>


### Аннотация

Ўтган даврда жиноятчиликни жилавлан, содир этилган жиноятларни фош этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, содир этилган жиноятларнинг 94 фоизи фош этилди, тергов органларидан яширинган 2841 шахс қўлга олинди, бедарак йўқолган 252 киши топилди. Хусусан жиноятчиликни аниқлаш фош этиш ва бартараф этиш мақсадида жиноят қонунчилигига қатор янгиларишлар киритилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244<sup>3</sup>-моддасида “Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш” алоҳида белгиланиб тегишли хизмат ходимларига қарши курашиш бўрасида қатор функционал вазифалар юклатилди.

**Калит сўзлар:** жиноят, жиноий жавобгарлик, ваколатли орган, диний мазмундаги китоб, диний мазмундаги материаллар, голограмма, диншунослик экспертизаси, олиб кириш, тайёрлаш, тарқатиш, экспертиза хулосаси.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлат ДИҚ барча диний адабиётни тасдиқлашини талаб қилса-да, амалда бошқа бир қатор давлат органлари, жумладан Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ), Божхона хизмати ва маҳаллий ички ишлар органлари диний адабиётни тақиқлаши ёки мусадара қилиши мумкин эди. Дин тўғрисидаги қонун диний адабиётни нашр этиш, олиб қириш ва тарқатиш ҳуқуқини диний ташкилотларнинг фақат марказий идоралари билан чеклайди, бундай идоралардан етти та мавжуд: халқаро Инжил жамияти; Ўзбекистон мусулмонлари бошқармаси; икки Ислон маркази; ҳамда рус православ, Тўлиқ Инжил, баптист ва Рим католиклари





идоралари. Давлат органлари диний адабиётни мусодара қилиши ва баъзи ҳолларда йўқ қилиб юбориши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 6-бўлимида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар белгиланган бўлиб, 244<sup>3</sup>-моддасида “Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш” моддаси, бунда диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, диний мазмундаги материалларнинг қонунга хилоф ёки назорат қилинмаган муомаласи давлатнинг ижтимоий хавфсизлиги, хусусан, давлат томонидан чет элда чоп этилган диний адабиётлар ва бошқа диний мазмундаги ахборот материалларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш устидан назорати, шунингдек, расмий диний ташкилотларнинг марказий бошқарув фанларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича фаолияти бўлишига сабаб бўлади. Ундан ташқари диний мазмундаги материалларнинг ғайриқонуний равишда тайёрланиши, сақланиши ва уларни тарқатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши диний экстремизм, фундаментализм ва сепаратизм, шунингдек, уларнинг янги кўриниши бўлган нолегал диний фаолият (прозелитизм, яъни бир конфессиядаги диндорларни бошқасига ўтказишга қаратилган фаолият, бошқа миссионерлик фаолияти)нинг вужудга келиши ва ривожланишини хавфини туғдиради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бундай воқеалар тобора кўпроқ рўйхатга олинмоқда ва уларнинг ижтимоий хавфлилиги ортиб бормоқда.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, ушбу Конституциямизнинг 35-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, диний эътиқодни мамлакатимизда яшаётган ҳар қандай шахсга қайси динга киришини





эркин танлаш ва унга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун имкон яратилган. Бошқа шахсларнинг даъвати ёки ташвиқотлари натижасида қайси бир динга амал қилишлари фуқароларнинг бундай ҳуқуқларига путур етказди. Айниқса, диний мазмундаги адабиётларни нотўғри тарғиб қилиш, уларни ғайриқонуний равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш билан боғлиқ қилмишлар фуқароларнинг виждон эркинликлари билан боғлиқ ҳуқуқларининг эркин амалга оширилишига жиддий зарар етказди.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ҳар бир шахс эркин эътиқод қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, шахсни қандайдир динга киришга даъват қилиш, ташвиқот қилиш тақиқланади.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддаси, 1-бандига биноан Ўзбекистон Республикасида фақат расмий диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир. Шунга асосан, ҳар қандай бошқа ташкилотларнинг ёки жисмоний шахсларнинг тарқатиш мақсадида диний мазмундаги ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатишлари ғайриқонуний ҳисобланади.

Жиноятнинг объектини айнан ҳар қандай шахсларнинг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқлари ташкил этади ва диний мазмундаги нарсаларни қонунга хилоф тарзда тайёрлаш, тарқатиш ёки республика ҳудудига олиб кириш жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қилмишнинг предмети диний мазмундаги материаллар, яъни диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материаллари ҳисобланади.

Ушбу соҳада қуйидагилар давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб ҳисобланади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон





Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;


- идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

- жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қон унийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

- ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;





•ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш.

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси;

голограмма — белгиланган диний мазмундаги материалларни тарқатиш учун рухсат берилганлигини билдирувчи махсус эмблема;

диний мазмундаги китоб — таркибида диний мазмундаги материалларнинг ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, босма ёки электрон кўринишдаги нодаврий нашр;


диний мазмундаги материаллар (кейинги ўринларда — материаллар) — диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафкурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек, алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле, кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилар (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар);

диншунослик экспертизаси (кейинги ўринларда — экспертиза) — ваколатли орган томонидан материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга рухсат бериш (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиш учун уларда амалдаги қонунчиликка зид элементлар, диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид тадқиқотлар ўтказиш;

олиб кириш — хорижда тайёрланган материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб беришнинг ҳар қандай шакли;

тайёрлаш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни нашр этиш, қайта нашр этиш ва нусха кўчириш;

тарқатиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг






бошқа электрон воситалари орқали материалларни сотиш, етказиб бериш, тарқатиш, юбориш ва уларга обуна бўлиш;

экспертиза хулосаси (кейинги ўринларда — хулоса) — ваколатли орган томонидан материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга рухсат бериш (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиш учун уларда амалдаги қонунчиликка зид элементлар, диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид тадқиқотлар ўтказилганлигини расман тасдиқловчи ёзма ҳужжат.

Қисқа даврида давлат рўйхатга олинган марказий диний идоралар олиб кириши мумкин бўлган ўзбек тилидаги христиан адабиёти миқдорини чеклади. Ўзбекистоннинг Инжил жамиятига юборилган ва ДИҚ олиб кириш рухсатини беришни 2008 май ойида Инжил жамияти давлат органларини белгиланган тартибда жўнатма тўғрисида хабардор қилмади, деган важ билан рад қилган тахминан 11.000 диний китоб ва брошюра тортиб олинганича қолаверди, Иегова шоҳидлари адабиётининг 2006 йилдаги жўнатмаси билан ҳам аҳвол шундай эди. Давлат органлари ўзбек ва рус тилларидаги қонуний равишда олиб кирилган христиан адабиётларни мусодара қилдилар ва баъзи ҳолларда йўқ қилиб юбордилар. Тарихий ва маданий сабабларга кўра ЎЗБЕКИСТОН 14 евангелист руҳонийлар рус тилида ваъзхонлик қиладилар, айти пайтда чекланган миқёсда ибодат мамлакатнинг давлат тили ва аксарият мусулмон аҳолига энг якин ўзбек тилида ҳам амалга оширилади. Аввалги ҳисобот даврларда ДИҚ баъзи материалларни, масалан чекланган миқдорда Инжил баъзи китобларнинг ўзбек тилига таржималарини, олиб қиришга рухсат берган эди. Давлат органлари Инжил жамиятидан мунтазам равишда унинг ноширлик, импорт ва таржима фаолияти тўғрисида маълумот бериб туришни талаб қилади. Тошкентдаги халқаро почтампт барча келаётган пакетларни текширишда давом этди ва диний материалларнинг намуналарини ўрганиб чиқиш ва маъқуллаш учун ДИҚга юбориб турди. ДИҚ материални тақиқлаган тақдирда у олувчи ва юборувчига материал қайтарилишининг сабабларини кўрсатган ҳолда хат юборади. ДИҚ христиан ва исломга тегишли босма маҳсулот олиб кирилишини тақиқлади.

Давлат органлари ислом нашрлардан фойдаланиш имкониятларини қаттиқ назорат қилиб борди ва мамлакатда чиққат ҳар бир нашр (китоб, брошюра, компакт-диск, фильм)да ваколатли нашриётни кўрсатишни






талаб қилди. Кўп китоблар расмий рухсатни билдирувчи “Бу китоб ДИҚ томонидан рухсат этилди” ёки “бу китоб ДИҚ томонидан тавсия этилди” деган жумла билан чоп этилади Араб тилидаги бир мунча миқдорда олиб кирилган китобларни китобфурушлардан олиш мумкин. Кўпроқ баҳс кўзғатадиган адабиёт пештахталарга қўйилмайди, аммо сўраб олиш мумкин. Экстремист ҳисобланган муаллифлар китобларига ёки ноқонуний равишда олиб кирилган ёки нашр этилган ҳар қандай адабиётни аниқлаш ва тегишли тартибда жавобгарликка тортишда ушбу маълумотлар муҳим саналади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, бу йўналишдаги чора -тадбирлар самарадорлигини ошириш, ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, улар устидан назоратни кучайтириш ҳалигача долзарблигича қолмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори;
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармони)» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илова;
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 31 майдаги 409-сон қарори;
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида» 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон ва «Давлат





хавфсизлик хизмати тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон қонунлари)» 2018 йил 20 сентябрдаги 748-сон қарорига илова;

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 15 январдаги 34-сон қарорига илова;

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2019 йил 19 апрелдаги 335-сон қарори.

